

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 19 » ноябрь 2019 у.

№ 917

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ғазначилик ижроси билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 46-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг (кейинги ўринларда давлат мақсадли жамғармалари деб аталади) рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

халқаро молия институтларининг талабларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳисобот шаклларида келиб чиққан ҳолда, давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисобот шаклларига бир ой муддатда тегишли ўзгартириш киритсин;

2020 йил 1 январдан бошлаб давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ғазначилик ижроси билан тўлиқ қамраб олинишини таъминласин.

3. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “19” ноябрдаги 917 -сон қарорига  
илова

**Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган  
бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармаларининг  
РЎЙХАТИ**

- | <b>Т/р</b> | <b>Давлат мақсадли жамғармаларининг номи</b>   |
|------------|--|
| 1.         | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси                               |
| 2.         | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма |
| 3.         | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси   |
| 4.         | Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси   |
| 5.         | Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси                         |
| 6.         | Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси  |
| 7.         | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси                                       |
| 8.         | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси  |
| 9.         | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси   |
| 10.        | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси  |
| 11.        | Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси   |
| 12.        | Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси   |

- | Т/р | Давлат мақсадли жамғармаларининг номи   |
|-----|---|
| 13. | Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси  |
| 14. | Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси                             |
| 15. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси   |
| 16. | Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди  |
| 17. | Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси |
| 18. | “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси  |

